1	Поставщик услуг должен соответствовать следующим минимальным критериям	<p>Наличие лицензии министерства финансов для осуществления деятельности в сфере страхования</p> <p>Иметь действительный на дату подачи предложения рейтинг компании по национальной шкале одного из агентств:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Ahbor-Reyting – не ниже «uzA+»; - Standard and sensitive ratings – не ниже «(uz) AA+»
2	Франшиза	Не применяется
3	Заказчик	АКБ «Агробанк»
4	Исполнитель (Поставщик)	Исполнитель по данному проекту будет определен на основе результатов торгов.
5	Основание для реализации закупки	Письмо Правления №17-03-15/1016 от 6 сентября 2022 года.
6	Срок страхования	12 месяцев со дня осуществления оплаты по договору
7	Риски, которые могут возникнуть в период страхования и подлежащие страхованию, а также возмещению убытков по ним	<p>Риски, приведшие к повреждению или полной утрате транспортных средств:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ДТП (дорожно-транспортные происшествия); - Угон транспортных средств; - Пожар; - Взрыв (в т.ч. газобаллонного оборудования); - Падение летательных средств, их частей, деревьев или столбов; - Разбойные нападения; - Стихийные бедствия, такие как наводнения, бури, ураганы, ливни, селевые паводки, град, обильные снегопады, оползни, удары молний и землетрясения.

ЦЕНОВАЯ ЧАСТЬ

1	Стартовая цена	Общая стоимость транспортных средств – 12 051 810 000 сум. Стартовая предельная сумма страховой премии – 0,72% от общей суммы страхования, что составляет 86 773 000 сум.
2	Источник финансирования	Собственные средства АКБ «Агробанк»
3	Условия оплаты	Страховая премия уплачивается в виде предоплаты, в размере 100%, в течение 5 (пяти) банковских дней после подписания и вступления в силу договора страхования
4	Валюта платежа	Национальная валюта Республики Узбекистан – узбекский сум.
5	Сроки поставки	Страховой полис должен быть подготовлен и предоставлен Заказчику в течение 3 (трёх) рабочих дней после получения оплаты по договору, при этом срок страхования составляет 12 месяцев, со дня осуществления оплаты по договору
6	Срок действия предложения участника	60 календарных дней с момента окончания срока приёма предложений участников

Проект договора для отечественных участников отбора (ПРЕДСТАВЛЕН НА УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ)

Транспорт воситаларини ихтиёрий суғурталаш _____ - СОНЛИ ШАРТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

20__ йил «__» _____

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг 20__ йил _____ даги _____-сон лицензияси асосида иш фаолияти олиб боровчи, кейинчалик “Суғурталовчи” деб аталувчи _____ номидан 20__ йил _____ даги _____-сонли Ишончнома асосида ҳаракат қилувчи Компаниянинг _____, бир томондан, ва кейинги ўринларда «Суғурталанувчи» деб аталувчи _____ номидан 20__ йил «__» _____ даги _____-сон Ишончнома асосида иш юритувчи _____ иккинчи томон бўлиб ушбу Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1-БЎЛИМ. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ ВА СУГУРТА ОБЪЕКТИ

1.1. Суғурталанувчи суғурта мукофотини ушбу Шартномада кўрсатилган миқдор ва муддатларда тўлаши эвазига Компания ушбу Шартномада назарда тутилган шартларга ва/ёки ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган қўшимча равишда келишилган шартлар, индоссаментлар, истиснолар ҳамда иловаларга мувофиқ, суғурта ҳодисаси юз берганда Суғурталанувчига/Наф олувчига етказилган зарарни қуйида келтирилган ҳажмда ва муддатда қоплаш мажбуриятини олади.

1.2. Ушбу Шартномада кўрсатилган қалтисликларнинг бевосита суғурта ҳодисасининг юз бериши натижасида транспорт воситасига етказилган зарар бўйича, Суғурталанувчининг ёки Наф олувчининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлмаган, суғурталанган транспорт воситаларига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва бошқариш билан боғлиқ мулкый манфаатлари суғурта объектидир.

2-БЎЛИМ. ТАЪРИФЛАР

Ушбу Шартномада фойдаланилган атамалар, агар уларнинг бошқа маънолари алоҳида келишиб олинмаган бўлса, қуйидагича таърифланади:

2.1. Суғурта полиси – ушбу Шартнома тузилганини тасдиқлайдиган, Суғурталанувчи суғурта мукофотини ёки унинг биринчи қисмини тўлаганидан кейин унга бериладиган ҳужжат.

2.2. Суғурта мукофоти – Суғурталанувчи/Наф олувчи ушбу Шартномада белгиланган тартиб ва муддатларда Компанияга тўлаши шарт бўлган суғурта учун тўлов.

2.3. Транспорт воситалари (матнда кейинги ўринларда ТВ деб аталади) – ҳаракатланадиган темир йўл таркибидан ташқари двигатель билан жиҳозланган енгил автомобиллар, юк автомобиллари, автобуслар, троллейбуслар, трамвайлар, мототранспорт, тракторлар, қорда юрадиган машиналар, ўзиюрар машина ва механизмлар ҳамда йўловчиларни, йўловчиларнинг багажларини ва юкларни ташиш учун фойдаланиладиган тиркамалар, ярим тиркамалар ва роспусклар.

2.4. Суғурталанган ТВ – ушбу Шартномага асосан суғурталанган транспорт воситаси.

2.5. Ҳайдовчи – амалдаги қонун ҳужжатларига асосан ТВ ни бошқаришга ҳуқуқи бўлган шахс.

2.6. Йўловчилар – Суғурта ҳодисаси юз берган пайтда суғурталанган ТВ да бўлган, шунингдек унга қираётган ёки ундан чиқаётган шахслар (ҳайдовчидан ташқари).

2.7. Наф олувчи – ушбу Шартномага биноан суғурта тўловларини олиш учун Суғурталанувчи томонидан тайинланган жисмоний ёки юридик шахс.

2.8. Шартсиз франшиза – зарарнинг маълум миқдори бўлиб, унинг чегарасида Компания жавобгарликни ўз зиммасига олмайди ва зарарларни қоплашга доир талабларни

кўриб чиқмайди. Зарар миқдори шартсиз франшиза чегарасидан ортиқ бўлган тақдирда, ҳар бир суғурта объекти ва ҳодисаси бўйича шартсиз франшиза суммаси зарар суммасидан чегириб қолинади

2.9. Суғурта даври – Суғурталанувчи/Наф олувчи суғурта мукофотини ўз вақтида тўлаган тақдирда ушбу Шартнома амалда бўладиган давр. Компания Суғурта полисида кўрсатилган суғурта даври мобайнида юз берган суғурта ҳодисалари учун мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

2.10. Суғурта ҳудуди – ушбу Шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган мамлакатлар ҳудуди бўлиб, ана шу ҳудудда ТВ га суғурта ҳимояси тақдим қилинади.

2.11. Ўғирлик – ТВ ни ёки унинг мустақил механизмлари, деталлари, тизимлари, узеллари, қурилмалари ва/ёки тузилмаси қисмларининг ноқонуний йўл билан эгаллаб олиш мақсадида ўғирлаб кетиш, олиб қочиш, босқинчилик қилиш.

2.12. Учинчи шахсларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатлари – Суғурталанувчи, наф олувчи ва ҳайдовчи ҳисобланмаган шахслар томонидан ТВ ни ёки унинг алоҳида қисмларини йўқолиши ёки зарарланиши.

2.13. Суғурта ҳодисаси – кўзда тутилган суғурта ҳодисасининг ҳақиқатда содир бўлиши билан Компания Суғурталанувчи/Наф олувчи ёки учинчи шахсларга суғурта қопламасини тўлаб бериш мажбуриятининг юзага келиши.

2.14. Суғурта қопламаси - Суғурта ҳодисаси содир бўлиши натижасида етказилган зарарни қоплаш учун суғурта суммаси доирасида Суғурталанувчига тўланадиган пул маблағлари.

3-БЎЛИМ. СУГУРТА ҚАЛТИСЛИКЛАРИ

3.1. ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНING НОБУД БЎЛИШИ ЁКИ ЗАРАРЛАНИШИ

3.1.1. Таърифлар

Суғурта суммаси – ушбу Шартнома 1-иловасининг 3(А) қисмида кўрсатилган пул маблағлари миқдори бўлиб, Компания ана шу миқдор чегарасида ушбу 3.1-банд бўйича Суғурталанувчига/Наф олувчига суғурта қопламасини тўлаш мажбуриятини олади.

Суғурта ҳодисаси – суғурта даврида суғурта ҳудуди доирасида юз берган, Суғурта полисида кўрсатилган қалтисликлардан бири (йўл-транспорт ҳодисаси, ёнғин, портлаш, предметлар зарбаси, табиий офатлар ҳамда учинчи шахсларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатлари) натижасида суғурталанган ТВ нинг нобуд бўлиши ёки зарарланиши.

Транспорт воситасининг нобуд бўлиши – ТВ ни қайта тиклаш харажатлари унинг ҳақиқий қийматидан ошиб кетадиган даражада зарарланишини англатади.

Суғурта қопламаси – ушбу 3.1-бандда келишилган суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурталанувчига етказилган зарарни қоплаш учун Компания Суғурталанувчи/Наф олувчига суғурта суммаси чегарасида, ушбу Шартнома 1-иловасининг 3 (В) қисмида кўрсатилган шартсиз франшиза суммасини чегириб қолган ҳолда тўлайдиган пул маблағлари миқдори.

Товар кўринишининг йўқолиши – ушбу 3.1-бандда келишилган суғурта ҳодисаси оқибатида етказилган зарарлар таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш орқали бартароф қилингандан сўнг суғурталанган ТВ нинг ҳақиқий қийматининг камайишини англатади.

3.1.2. Махсус истиснолар

Ушбу Шартномага биноан қуйидагилар натижасида етказилган зарар қопланмайди:

а) ТВ нинг, шу жумладан унинг алоҳида деталлари ва узелларининг ишлаши натижасида табиий эскириши ва емирилиши;

Аммо ТВ нинг табиий эскириши сабабли йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиши натижасида нобуд бўлиши ёки зарарланиши ушбу Шартномага биноан қопланади;

б) ТВ нинг товар кўринишининг йўқолиши ҳамда ишлаб чиқарувчи заводнинг нуқсонини;

в) йўлнинг нотекислиги натижасида, ўткир нарсаларни босиши туфайли шиналарнинг шикастланиши, агар бу шикастланиш ТВ нинг нобуд бўлиши ёки зарарланишига олиб келмаган бўлса;

г) Суғурталанувчининг суғурталанган ТВ ўзгартирилиши ва/ёки такомиллаштирилиши билан боғлиқ харажатлари.

4-БЎЛИМ. УМУМИЙ ИСТИСНОЛАР

4.1. Ушбу Шартномага кўра қуйидагилар оқибатида юз берган ҳодисалар суғурта ҳодисалари ҳисобланмайди:

а) Суғурталанувчи ижарага, лизингга олинган мулкка (Суғурталанувчининг ТВдан ташқари) ёки ТВ даги мулкка, шунингдек ТВга ортилаётган ёхуд ундан туширилаётган мулкка етказилган ҳар қандай зарар;

б) Суғурталанувчи ёки унинг ҳайдовчиси томонидан ТВ дан бошқаришни ўргатиш ёки мусобақа ва синовларда қатнашиш мақсадида фойдаланиш;

в) ТВ ни алкоголь, гиёҳванд ва/ёки токсик моддалар таъсирида маст ҳолатда бошқариши

4.2. Компания Суғурталанувчининг суғурта ҳодисаси туфайли юзага келиши мумкин бўлган билвосита чиқимларига (жарима, ижарага олинмаган ТВ дан фойдаланиш, таъмирлаш, тиклаш вақтида меҳмонхонада яшаш, хизмат сафари харажатлари, даромадни йўқотиш, бекор туриб қолиш, кафолат муддати тугаши, такси харажатлари билан боғлиқ моддий зарарлар, маънавий зарар ва б.) нисбатан, шунингдек керагидан ортиқ ҳар қандай бевосита ҳамда билвосита солиқлар ва бошқа чиқимларга нисбатан мажбурият олмайди.

4.3. Компания, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суғурта қопламасини тўлашдан озод бўлади.

5-БЎЛИМ. СУГУРТА СУММАСИ ВА СУГУРТА МУКОФОТИ

5.1. Тақдим этиладиган ҳар бир суғурта ҳимояси бўйича суғурта суммаси ушбу Шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган.

5.2. Ушбу Шартномага кўра умумий суғурта мукофоти _____ (_____) сўм, ҚҚСсиз ташкил этади.

5.3. Суғурта мукофоти томонлар ушбу Шартномани имзолаганларидан кейин 30 (ўттиз) банк куни ичида яхлит тўланади.

5.4. Ушбу Шартномага нисбатан ҳар бир суғурта ҳодисаси бўйича ушбу Шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган миқдорда шартсиз франшиза белгиланади.

5.5. Ушбу Шартнома бўйича барча ўзаро ҳисоб-китоблар ушбу Шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган валютада амалга оширилади.

6-БЎЛИМ. ШАРТНОМАНИНГ КУЧГА КИРИШИ ВА МУДДАТИ

6.1. Ушбу шартнома уни томонлар имзолаган пайтдан эътиборан кучга киради ва 2021 йил «23» июлгача амалда бўлади. Ушбу Шартнома бўйича Компания мажбуриятлари суғурта мукофоти тўлангандан кейин кучга киради ва Суғурта полисида кўрсатилган суғурта муддати мобайнида амалда бўлади.

6.2. Суғурталанувчига Суғурта полиси суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми Компания ҳисоб рақамига келиб тушгандан эътиборан 3 (уч) банк куни ичида, тўланган давр учун берилади.

Агар Суғурта полисида кўрсатилган суғурта муддати ушбу Шартноманинг 6.1-бандида келтирилган Шартнома муддатидан ошиб кетса, Шартнома муддати Суғурта полисида кўрсатилган муддатга мос равишда узайтирилган ҳисобланади.

6.3. Суғурта мукофоти тўланган кун бўлиб пул маблағлари Компаниянинг ҳисоб рақамига келиб тушган кун ҳисобланади.

6.4. Суғурта полиси суғурта мукофоти Компаниянинг ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг 3 (уч) банк куни ичида берилади. Суғурта полиси йўқолган тақдирда унинг иккинчи нусхаси Компания томонидан Суғурталанувчининг ёзма аризасига асосан берилади.

7-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Ушбу Шартнома доирасида:

7.1.1. Суғурталанувчининг ҳуқуқлари:

а) Наф олувчи ушбу Шартномадаги мажбуриятларидан бирини бажаргунга ёки Компанияга суғурта қопламаси тўлаш ҳақида талаб қўйилгунга қадар Компанияга ёзма равишда маълум қилган ҳолда Наф олувчини алмаштириш;

б) Компания билан келишиб, ушбу Шартноманинг шартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

в) Суғурталанувчининг сўровига кўра Компаниядан суғурта масалалари юзасидан маслаҳатлар олиш;

г) ушбу Шартноманинг 6.4-бандида кўрсатилган муддатда Суғурта полисини олиш.

7.1.2. Суғурталанувчининг мажбуриятлари:

а) суғурта мукофотларини ушбу Шартномада белгиланган тартиб ва муддатларда тўлаш;

б) ушбу Шартнома доирасида Компанияга суғурта тўлови тўлаш ҳақида талаб қўйилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳодиса юз берганда Компанияга ва мутасадди ташкилотларга (ЙҲХБ, ЁСБ, ИИБ ва б.) ҳодиса юз бергани тўғрисида ушбу Шартноманинг 8.1-бандида кўрсатилган муддатлар ва усулда кечиктирмай маълум қилиш;

в) юзага келган шароитда суғурталанган ТВ ни сақлаб қолиш, вужудга келиши мумкин бўлган зарарларни камайтириш ва олдини олиш учун оқилона ҳамда имкони бор чораларни кўриш. Суғурталанувчи бундай чораларни кўрар экан, агар Компания томонидан кўрсатмалар берилган бўлса, уларга, шунингдек ишлаб чиқарувчи заводнинг тавсияларига амал қилиши шарт. ТВ ни сақлаб қолиш, вужудга келиши мумкин бўлган зарарларни камайтириш мақсадида қилинган харажатлар, агар бундай харажатларга зарурат туғилиб, Компаниянинг кўрсатмаларини бажариш учун қилинган бўлса, ва ҳатто тегишли чоралар самара бермаган бўлса ҳам, улар Компания томонидан қопланади;

г) ушбу Шартнома доирасида Компанияга суғурта тўлови тўлаш ҳақида талаб қўйилишига олиб келиши мумкин бўлган суғурта ҳодисаси юз берганда Компаниянинг розилигисиз ускуналарни демонтаж қилиш ёки ТВ ни таъмирлаш ишларини бошламаслик; лекин ҳайдовчи ва/ёки йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш ёки ваколатли идораларнинг буйруқ ҳамда фармойишларини бажариш учун зарур бўлган ҳоллар бундан мустаснодир;

д) ушбу Шартноманинг 8.2-бандида кўрсатилган, юз берган ҳодисанинг барча тафсилотларини ўрганиб чиқиш учун зарур бўлган ҳамма ҳужжатларни Компанияга тақдим этиш;

е) суғурталанган ТВ ни ишлатиш ва унга хизмат кўрсатиш йўриқномаларига (қоида, қўлланмаларга) амал қилиш, шунингдек ундан суғурталаш учун берилган аризада кўрсатилган мақсадлардагина фойдаланиш;

ж) суғурталанган ТВ ни бошқарадиган шахсларни ушбу Шартноманинг талаблари билан таништириш;

з) ушбу Шартнома доирасида бирон-бир талабни асослаши мумкин бўлган ҳодиса юз берганда ТВ ни қаровсиз қолдирмаслик ҳамда зарар ёки йўқотишларнинг кўпайишини олдини олиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар кўриш; агар ТВ Компаниянинг розилигисиз ишга туширилган бўлса (хавфсизликни таъминлаш ёки тегишли идораларнинг буйруқларини ижро этиш учун зарур бўлган ҳоллар бундан мустаснодир), у ҳолда ҳар қандай зарарнинг ортиқча миқдори ушбу Шартномага мувофиқ тўланадиган суғурта қопламасидан чиқариб ташланади;

и) Компанияга ёки унинг вакилларига исталган вақтда ТВ ва унинг қисмларини кўздан кечиришга тўсқинлик қилмаслик;

к) Компаниядан олинган ахборотни ошкор қилмаслик; аммо Суғурталанувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат органлари ва бошқа ташкилотларга ахборот беришга мажбур бўлган ҳоллар бундан мустаснодир.

7.1.3. Компания қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) суғурта ҳодисаси юз бериш эҳтимолини камайтиришга қаратилган олдини олиш чораларини амалга ошириш;

б) Суғурта қопламаси тўлашни рад этиш, агар Суғурталанувчи/Наф олувчи:

- содир бўлган суғурта ҳодисаси ҳақида Компанияни ўз вақтида узрли сабабсиз хабардор қилмаса;

- хабарномани олгандан кейин 60 кун мобайнида суғурта ҳодисасининг мавжудлиги, тури ва сабабларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжат ва маълумотларни тақдим этмаса;

- Суғурта полисидан бирон-бир наф ундириш мақсадида ёлғон воситалар ёки усулларни қўлласа;

7.1.4. Компаниянинг мажбуриятлари:

а) ушбу Шартноманинг 6.4-бандида белгиланган муддатларда Суғурта полисини бериш;
б) барча зарур ҳужжатлар олингандан ва суғурта ҳодисаси юз берганлиги тан олингандан кейин ушбу Шартномада келишилган миқдор ҳамда муддатларда суғурта қопламаси тўлаш;

в) ушбу Шартнома амалда бўлган даврда Суғурталанувчидан олинган ахборотни ошкор қилмаслик; аммо Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Компания давлат органлари ва бошқа ташкилотларга ахборот бериши мажбур бўлган ҳоллар бундан мустаснодир.

7.2. Наф олувчи фойдасига ушбу Шартномани тузиш Суғурталанувчини, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган ёхуд Суғурталанувчининг зиммасидаги мажбуриятлар Наф олувчи томонидан бажарилмаган бўлса, ушбу шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8-БЎЛИМ. ДАЪВОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

8.1. Ушбу Шартнома доирасида Компанияга суғурта қопламаси тўлаш ҳақида талаб қўйилишини асослаб берувчи ҳодиса рўй берганда Суғурталанувчи:

8.1.1. Бу ҳақда Компанияни ёки Компания даъволарни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш ваколатини берган ташкилот – «Ўзбекинвест Ассистанс» сервис агентлигини имкон қадар ҳар қандай усул билан, аммо суғурта ҳодисаси юз бергандан сўнг 72 соат ичида хабардор қилиши ва Компанияга ёки «Ўзбекинвест Ассистанс» сервис агентлигига 5 (беш) банк куни мобайнида зарарга таъсир кўрсатган сабаблар ҳамда ҳолатлар кўрсатилган ёзма аризани юбориши шарт.

8.1.2. Бу ҳодиса ҳақида мутасадди ташкилотларни (ЙХХ, ЁСБ, ИИБ ва б.) дарҳол хабардор қилиб, ҳодиса юз берган жойда баённома ёки маъмурий далолатнома туздирishi зарур.

8.1.3. Зарарланган ТВ ни қайта тиклаш ишлари бошланмасдан олдин уни кўздан кечириш учун Компанияга кўрсатиши, бундай имконият бўлмаганда ТВ нинг зарарланган қисмлари суратини олиши ёки видеотасвирга тушириши шарт.

8.2. Суғурталанувчи суғурта ҳодисаси юз берганлиги ҳақидаги ёзма аризасига қуйидаги ҳужжатларнинг асл нусхаларини илова қилиши лозим.

8.2.1. ТВ нобуд бўлганда ёки зарарланганда:

а) Суғурта полиси;
б) юз берган ҳодиса тафсилотларини текширишга ваколати бўлган тегишли ташкилотлардан олинган маълумотнома;

в) ТВ рўйхатга олинганлиги ҳақида гувоҳнома (техник паспорт);

г) ҳайдовчилик гувоҳномаси;

д) зарур ҳолларда ҳайдовчининг суд-тиббий экспертизаси хулосаси;

е) йўл варағи, Суғурталанувчи номидан ТВ га эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, идора қилиш учун берилган ишончнома ёки ишончномага тенглаштирилган бошқа ҳужжат;

ж) баҳолаш фаолиятини амалга оширишга рухсатномаси (лицензияси) бўлган баҳоловчи ташкилот томонидан тузилган, қилинадиган барча ишлар, ТВ ни қайта тиклаш учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ва материаллар рўйхати кўрсатилган моддий зарарни баҳолаш наряди-буюртмаси/калькуляцияси;

з) автотранспорт воситаларининг кузови лак-бўёқ қопламаси қисмига, ташқи ёритгич қисмига, ойнасига, антенасига, молдингларга, эмблемаларга ва бошқа ташқи қисмларига бир оз, яъни кичик зарар етганда ҳамда зарар қисми энг кам иш ҳаққининг 5 баробаридан ошмаганда тегишли идораларнинг маълумотсиз суғурта ҳодисасини кўриб чиқилади, лекин суғурта ҳодисаси бўлганлигини суғурталаовчи ёки унинг ишончли вакили томонидан автотранспорт воситасига етказилган зарар 3 кун ичида суғурта даъвоси делосида фото/видео воситаларида муддати билан қайд қилиниши лозим.

8.2.2. ТВ ёки унинг агрегатлари, деталлари, узеллари, тизимлари, қурилмалари ва/ёки конструкциясининг қисмлари ўғирланганда, шунингдек ўғирлаш оқибатида ТВ нобуд бўлганда ёки зарарланганда:

- а) Суғурта полиси;
- б) суғурта ҳодисаси юз бериши тафсилотларини текширишга ваколати бўлган суриштирув ташкилотларидан олинган маълумотнома;
- в) ТВ рўйхатга олинганлиги ҳақида гувоҳнома (техник паспорт);
- г) йўл варағи, Суғурталанувчи номидан ТВ га эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, идора қилиш учун берилган ишончнома ёки ишончномага тенглаштирилган бошқа ҳужжат;
- д) баҳолаш фаолиятини олиб боришга лицензияси бўлган баҳоловчи ташкилот томонидан тузилган барча ишлар, ТВ ни қайта тиклаш учун керакли бўлган эҳтиёт қисмлар ва материаллар рўйхати кўрсатилган моддий зарарни баҳолаш наряди-буюртмаси/калькуляцияси.

Изоҳ

Автотранспорт воситаларининг кузови лак-бўёқ қопламаси қисмига, ташқи ёритгич қисмига, ойнасига, антенасига, молдингларга, эмблемаларга ва бошқа ташқи қисмларига бир оз, яъни кичик зарар етганда ҳамда зарар қисми базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баробаридан ошмаганда тегишли идораларнинг маълумотсиз суғурта ҳодисасини кўриб чиқилади, лекин суғурта ҳодисаси бўлганлигини суғурталаовчи ёки унинг ишончли вакили томонидан автотранспорт воситасига етказилган зарар суғурта даъвоси делосида фото/видео воситаларида муддати билан қайд қилиниши лозим.”

8.2.3. Учинчи шахсларга тан жароҳатлари ёки моддий зарар етказилганда:

- а) Суғурта полиси;
- б) содир бўлган ҳодиса муносабати билан Суғурталанувчи олган ҳужжатлар (учинчи шахснинг даъво аризаси, хатлар, чақириқ қоғозлари ва б.);
- в) ҳодиса рўй берган жойда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар (ЙХХ, ЁСБ, ИИБ ва б.) вакиллари тузган баённома ёки далолатнома;
- г) ҳайдовчи ва учинчи шахсларнинг суд-тиббий экспертизаси хулосаси;
- д) суд қарори.

8.2.4. Ҳайдовчи ва/ёки йўловчилар тан жароҳатлари олганларида:

- а) Суғурта полиси;
- б) ҳодиса юз берган жойда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар (ЙХХ, ЁСБ, ИИБ ва б.) вакиллари тузган баённома ёки далолатнома;
- в) ҳайдовчи ва/ёки йўловчининг суд-тиббий экспертизаси хулосаси;
- г) ЙТҲ натижасида рўй берган бахтсиз ҳодиса сабабли Ҳайдовчи ва йўловчининг меҳнат қобилияти вақтинча ёки доимий йўқолганини тасдиқловчи даволаш муассасаларининг ҳужжатлари (Ҳайдовчи ва/ёки йўловчининг касаллик тарихидан кўчирма, ТМЭЖ хулосаси);
- д) Ҳайдовчи ва/ёки йўловчи ҳалок бўлган тақдирда – Ўлим ҳақида гувоҳнома.

8.3. Воқеа тафсилотларини аниқлаш мақсадида зарур ҳолларда Компания мазкур суғурта ҳодисасига тааллуқли бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.4. Ушбу воқеага тааллуқли барча тафсилотлар ўрганиб чиқилгандан кейин Компания содир бўлган воқеанинг суғурта ҳодисаси деб тан олинishi ёки олинмаслиги ҳақида қарор чиқаради.

8.4.1. Суғурталовчининг суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори суғурта қилдирувчига (наф олувчига) улар суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни сўраб мурожаат этганларидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

8.4.2. Воқеа Компания томонидан суғурта ҳодисаси деб тан олинган тақдирда тўланиши лозим бўлган суғурта қопламасининг миқдори белгиланиб, у Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатномада кўрсатилади.

8.5. Агар суғурта ҳодисаси юз берганлиги юзасидан жиноий иш, фуқаролик иши ёки маъмурий иш кўзгатирилган бўлса, Компания тўланиши лозим бўлган пулни тўлаш масаласини ҳал этишни ваколатли ташкилотлар тегишли қарор қабул қилгунларига қадар кечиктиришга ҳақли.

9-БЎЛИМ. СУГУРТА ҚОПЛАМАСИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу Шартномага биноан суғурта қопламаси қуйидагича тўланади:

9.1.1. ТВ нобуд бўлганда ёки ўғирланганда – етказилган зарардан белгиланган шартсиз франшиза миқдорини чегириб қолган ҳолда, лекин ушбу Шартноманинг 1-иловасининг 3 (А) қисмида кўрсатилган суғурта суммасидан ортиқ бўлмаган миқдорда;

9.1.2. ТВ зарарланганда – белгиланган шартсиз франшиза миқдорини чегириб қолган ҳолда Компания ТВ ни таъмирлаш ёки лицензияга эга эксперт ташкилоти тузган таъмирлаб қайта тиклаш наряди-буюртмаси/калькуляциясида кўрсатилган, аммо ушбу Шартноманинг 1-иловасининг 3 (А) қисмида кўрсатилган суғурта суммасидан кўп бўлмаган миқдорда.

Компания шунингдек:

1. ТВ ни таъмирлаш жараёнида аниқланган, суғурта ҳодисаси туфайли юз берган ва лицензияга эга эксперт ташкилоти томонидан ҳужжатлар билан тасдиқланган яширин зарарларни тузатиш билан боғлиқ харажатларни;

2. Суғурта ҳодисаси содир бўлиши оқибатида ТВ га етказилган зарарнинг ваколатли эксперт ташкилоти томонидан баҳоланиши билан боғлиқ харажатларни ҳам қоплайди.

Махсус шартлар

1. Агар, Суғурталанувчи содир бўлган йўл транспорт ҳодисаси бўйича айбдор деб топилган ҳолда, суғурталанган транспорт воситасига етказилган зарар учун суғурта товони ушбу ихтиёрий суғурта шартномаси бўйича қопланади.

Агар, Суғурталанувчи содир бўлган йўл транспорт ҳодисаси бўйича жабрланувчи деб топилган тақдирда, суғурталанган транспорт воситасига етказилган зарар учун суғурта товони транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш бўйича олинган суғурта товонидан кейин тўланади, бунда зарарнинг тўланмаган қисми эса ушбу ихтиёрий суғурта шартномаси бўйича қопланади ва мажбурий ва ихтиёрий суғурта суғуртаси бўйича тўланган суғурта товонининг умумий суммаси жабрланувчининг мол-мулкига етказилган ҳақиқий зарардан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

2. Суғурта қопламаси тўлангандан кейин, амалдаги қонун ҳужжатларига биноан автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахсга нисбатан регресс ҳуқуқи қўлланилмайди, агар мазкур шахс қастдан зарар етказганган булса тепада кўрсатиб ўтилган шарт бундан истисно.

9.1.3. Учинчи шахсларга тан жароҳатлари ва/ёки моддий зарар етказилганда – Суғурталанувчи учинчи шахсларга тан жароҳатлари ва/ёки моддий етказган зиёни миқдорда (ёки суд қарори билан Суғурталанувчига ҳукм қилинган миқдорда), аммо ушбу Шартномага 1-илованинг 4(А) қисмида кўрсатилган суғурта суммасидан ортиқ бўлмаган миқдорда.

9.1.4. Ҳайдовчи ва йўловчилар тан жароҳатлари олганларида суғурта таъминоти тўлови ушбу Шартнома 1-иловасининг 5(А) қисмида кўрсатилган суғурта суммасининг қуйидаги фоизлари миқдорда амалга оширилади:

(I) соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашишига ёки меҳнат қобилиятининг вақтинчалик турғун йўқолишига олиб келган енгил тан жароҳатлар учун - 10%;

(II) ўртача оғирликдаги тан жароҳатлари учун – 40%;

(III) оғир тан жароҳатлари учун – 80%;

(IV) Ҳайдовчи ва йўловчилар ҳалок бўлганда – 100%.

Ҳайдовчи ва йўловчиларга ушбу Шартноманинг 3.3-бандига биноан қопланувчи ҳар бир суғурта ҳодисаси бўйича тўланадиган суғурта тўловларининг умумий миқдори илгари тўланган пулларни ҳисобга олган ҳолда ушбу Шартномага 1-илованинг 5(В) қисмида кўрсатилган суғурта суммасининг 100%идан ошмайди.

9.2. Ушбу Шартноманинг 3-бўлими 3.1, 3.2, 3.3-бандларида қайд этилган суғурта ҳодисаси юз берганда, агар Суғурталанувчи суғурта суммасини тиклаш учун қўшимча суғурта мукофотини тўламаса, Компания амалга оширган ҳар бир тўлов суғурта суммаси миқдорини ана шу тўлов миқдорига камайтиради.

9.3. Компания суғурта қопламасини Суғурта ҳодисаси ҳақидаги далолатнома имзоланган пайтдан бошлаб 15 (ўн беш) кун ичида Суғурталанувчи/ҳайдовчи/ йўловчи/Наф олувчининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан тўлайди.

9.4. Суғурталанувчи ёки манфаатдор шахсга ТВ зарарланганлиги сабабли суғурта қопламаси тўлангандан сўнг етказилган зарар айбдор ёки бошқа шахс томонидан ҳам қопланса, Суғурталанувчи ёки манфаатдор шахс ушбу сумма миқдоридаги суғурта қопламасини Компанияга қайтариши шарт.

10-БЎЛИМ. ШАРТНОМАНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ ВА ТЎХТАТИЛИШИ

10.1. Ушбу Шартнома томонлардан бирининг ёзма аризасига мувофиқ исталган пайтда бекор қилиниши мумкин. Бунинг учун бошқа томон бу ҳақда бекор қилиш мўлжалланаётган санадан камида 30 (ўттиз) кун олдин хабардор қилиниши керак, аммо Шартноманинг бекор қилиниши учинчи томоннинг манфаатларига дахлдор бўлган ҳоллар бундан мустаснодир.

Агар ушбу Шартноманинг бекор қилиниши учинчи томоннинг манфаатларига дахлдор бўлса, унинг ёзма розилиги зарур бўлади.

10.2. Компания ўз мажбуриятларини бузганлиги муносабати билан Суғурталанувчи ушбу Шартномани муддатидан олдин бекор қилинишини талаб қилган тақдирда, тўланган суғурта мукофотининг ҳаммаси қайтарилиши лозим. Мажбуриятлар бузилмаган тақдирда суғурта мукофоти қолган суғурта даври учун, Компаниянинг харажатларини чегириб қолган ҳолда қайтарилади.

10.3. Суғурталанувчи ўз мажбуриятларини бузганлиги туфайли Компания ушбу Шартномани муддатидан аввал бекор этилишини талаб қилганда тўланган суғурта мукофоти қайтарилмайди.

10.4. Ушбу Шартнома қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

а) муддати тамом бўлганда; Суғурта шартномаси муддати тамом бўлгунга қадар суғурта ҳодисаси бўйича жавобгарлик Суғурталовчи зиммасида бўлади.

б) Компания Суғурталанувчи олдидagi мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажариб бўлганда;

в) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

11-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИ

11.1. Ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

11.2. Суғурталанувчи/Наф олувчи суғурта мукофотини ўз вақтида тўламаса, Компанияга тўлаш муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўланмаган суғурта мукофотининг 0,2% миқдорида, аммо тўлаш муддати ўтиб кетган сумманинг 50%дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди. Пеня тўлаш Суғурталанувчи суғурта мукофотини ёки навбатдаги тўловни тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

11.3. Тўланиши лозим бўлган суғурта қопламасини тўлаш муддатини ўтказиб юборгани учун Компания тўлаш муддати ўтиб кетган ҳар бир кун учун муддатида тўланмаган пулнинг 0,2% миқдорида, лекин ушбу Шартномага кўра тўланиши керак бўлган сумманинг 50% дан ошмаган миқдорида жарима тўлайди. Жарима тўлаш Компанияни суғурта қопламаси тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

11.4. Ушбу Шартномада келишилган ўз мажбуриятларини бажаришдан асоссиз равишда батамом ёки қисман бош тортганлиги учун ўз мажбуриятларини бузган томон бошқа томонга тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15% миқдорида жарима тўлайди.

11.5. Агар томонларнинг ушбу Шартномадаги ўз мажбуриятларини бажармаслигига энгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) сабаб бўлса, томонлар жавобгарликдан озод бўладилар. Энгиб бўлмайдиган куч таъсирида бўлган томон бошқа томонни ана шундай ҳолат юзага келгани ва унинг таъсири яна қанча давом этиши мумкинлиги ҳақида зудлик билан хабардор қилиши шарт.

12-БЎЛИМ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

12.1. Ушбу Шартномада назарда тутилган ёки у билан боғлиқ масалалар бўйича низолар, талаблар ёки келишмовчиликлар юзага келган тақдирда томонлар уларни музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилиш чораларини кўрадилар.

12.2. Ушбу Шартномадан келиб чиқувчи ёки у билан боғлиқ, шу жумладан унинг бажарилишига, бузилиши, тўхтатилиши ёки ҳақиқий эмаслигига тааллуқли низолар, келишмовчиликлар ёки талабларни музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилишнинг имкони бўлмаганда улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

13-БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

13.1. Ушбу Шартнома шартлари Умумий суғурта соҳасининг 1,3 ва 10 класслари ассосида ишлаб чиқилган.

13.2. Ушбу Шартномага киритиладиган ҳамма қўшимчалар ва ўзгартиришлар, шунингдек унинг муддатини узайтириш ҳамда тўхтатиш ёзма равишда амалга оширилиши лозим.

13.3. Томонларнинг ушбу Шартномада баён этилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

13.4. Ушбу Шартнома бир хил юридик кучга эга, томонларнинг ҳар бирида бир нусхадан сақланадиган 2 (икки) нусхада тузилди.

14-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

Компания номидан

СУҒУРТАЛАНУВЧИ

20__ йил «__» _____ даги
 _____ - сонли Транспорт
 воситаларини ихтиёрий
 суғурталаш шартномасига 1-илова

Суғурталанган транспорт воситаси ҳақида маълумот

1-Қисм. Умумий маълумотлар		
1	Суғурталанувчи	
2	Суғурталанувчининг манзили	
3	Наф олувчи	
4	Суғурта даври	
5	Шартнома валютаси	
6	Суғурта ҳудуди	
2-Қисм. Транспорт воситаси ҳақида маълумотлар		
1	Маркаси, русуми, модификацияси	Ушбу шартноманинг 2-иловасига мувофиқ
2	Рўйхатга олиш рақами	Ушбу шартноманинг 2-иловасига мувофиқ
3	Ишлаб чиқарилган йили	Ушбу шартноманинг 2-иловасига мувофиқ
4	Техник паспортининг рақами	Ушбу шартноманинг 2-иловасига мувофиқ
3-Қисм. Транспорт воситасининг нобуд бўлиши ёки зарарланиши		
А) Суғурта суммаси	Б) Суғурта мукофоти	В) Шартсиз франшиза
Жами:		
4-Қисм. Учинчи шахслар олдидаги фуқаролик масъулияти		
А) Суғурта суммаси	Б) Суғурта мукофоти	

Жами:		
5-Қисм. Хайдовчи ва/ёки йўловчилар билан содир бўлган бахтсиз ходисалар		
Хайдовчи ва йўловчи	(А) Ҳар бир хайдовчи ва йўловчи учун суғурта суммаси	(Б) Суғурта мукофоти
1. Йўловчи		
2. Ҳайдовчи		
Жами:		
6-Қисм. Суғурта мукофоти		
Умумий суғурта мукофоти		
7-Қисм. Томонлар		

Компания номидан:

Суғурталанувчи:

м.ў.

м.ў.

20__ йил «__» _____ даги
 _____ - сонли Транспорт
 воситаларини ихтиёрий
 суғурталаш шартномасига 2-илова

Т.р.	Маркаси, русуми, модификацияси	Рўйхатга олиш рақами	Ишлаб чиқарилган йили	Техник паспортнинг рақами	Суғурта суммаси (сўм)	Суғурта қиймати (сўм)
1						
2						
...						

Компания номидан:

Суғурталанувчи:

м.ў.

м.ў.

*** Данная проформа договора является предварительной и после определения победителя, подлежит пересмотру и дополнительному обсуждению сторонами в частях, не противоречащих действующему Законодательству и закупочной документации.**

Согласовано:

А.Йулдошов



М.Г.Гуломжонова



А.К.Абдуллаев



Б.Б.Бахромов



И.Амонов

